



Ислом Нури

Ахмад Собит

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ҳамд-мақтов намозни мўминларга роҳат, кўркувчиларга хотирҷамлик ва ёлғизларга нур қилган Аллоҳ учундир.

Ва таҳажжуд намозини ўқувчиларнинг имоми, руку ва сажда қилувчиларнинг саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у кишининг оиласи, саҳобалари ҳамда уларга қиёмат қунигача яхшилик билан эргашган кишиларга салом ва салавоатлар бўлсин.

Албатта таҳажжуд намозини ўқиш солиҳ кишиларнинг одати!

Муъминларнинг тижорати!

Ютуққа эришувчиларнинг амалидир!

Тунда муъминлар роббиси билан холи бўлишади, яратганга юзланиб ўзларининг ночор ҳолларини шикоят қилишади ва унинг фазл-марҳаматидан сўрашади!

Қалблари роббиларининг олдида ҳозир! Яратганнинг муноҷотига бел боғлаган! Раҳмат шамолларидан тин олиб бу яқинлик нуридан ўзгача қувват оладида, бандаларига саҳовати кенг бўлган зотга тазарруълар билан ёлборади!

Қурони қарим таҳажжуд ҳақида

Аллоҳ таоло айтади: **«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йирок бўлур** (яъни, тунларини ибодат билан ўтказишиб оз



Ислом Нури

ухлашадилар)» (Сажда: 16). Мужохид ва Хасан роҳимахумаллох: «Бунинг маъноси таҳажжуд» дейишган. Ибн Касийр ўзининг тафсирида: «Яъни, бу таҳажжуд намози ва тўшакда ухлаб ётишни тарк этиш» — деган.

Абдулҳак Ашҳалий роҳимахуллох: «Яъни, уларнинг ёнбошлари Аллохнинг таҳдидидан қўрққанликлари ва ваъдасини умид қилганликлари учун ётоқда қарор топмайди.

Аллох таоло таҳажжуд ўқувчиларни зикр қилиб айтади: **«Улар кечадан озгина (фурсатгина) қўз юмар эдилар ва сахарларда улар (қилган саҳву-хотолари учун Роббиларидан) мағфират сўраб эдилар.»** (Ваззориёт: 17,18). Хасан роҳимахуллох айтдилар: «Улар кечасида номоз ўқишган, намозни сахаргача чўзишган ва дуою истиғфорда бўлишган».

Аллох таоло бошқа ўринда айтади: **«Ёки кечалари сажда қилган ва қиймда - тик турган ҳолда тоат-ибодат қилгувчи, охирадан қўрқадиган ва парвардигорининг раҳмат-марҳаматидан умид қиладиган киши (билан қуфру исёнга гарк бўлган кимса баробар бўлурми)?!»** Айтинг: **«Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?! Дарҳақиқат, факат ақл эгаларигина панд-насихат олурлар.»** (Зумар: 9)

Яъни: мана шундай сифатли киши билан кечасида ухлаб нафсини зое қилган ва Роббисининг ваъдаси ва таҳдидини билмаган кимса баробар бўладими?!

Эй биродарлар кечада турувчи кишилар қаерда қолди?!



Ислом Нури

Ибни Адхам ва Фузайллар каерда?!

Шижоатлилар кетиб сусткашлар колди!!

Илтижолар рад этилмас Ваъдаси ҳеч хилоф бўлмас

Тун эрлари туриглар тез Не-не дуо рад этилмас

Суннат киёмул лайл хакида

Мусулмон биродарим!

Росуллох соллаллоху алайхи ва саллам таҳажжуд намозига тарғиб килиб бундай деганлар:

«Сизлар таҳажжуд намозини лозим тутиглар, чунки у сизлардан олдинги солих кишиларнинг одати, Аллоҳга яқинлашув, ёмонликларга каффорат, гуноҳдан қайтарувчи ва жасаддан дардни кетказувчидир» (Аҳмад ва Термизий ривоятлари. Албоний уни саҳих деган)

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам «Абдуллох ибн Умар хакида бундай деган: «Агар тунда намоз ўқиса, Абдуллох қандай яхши банда бўлардия»! (имом Бухорий ва Муслим ривояти) Солим ибн Абдуллох ибн Умар айтди: «Абдуллох мана шундан кейин тунда озгина ухларди, холос.»

Росуллох соллаллоху алайхи ва саллам айтдилар: «Жаннатда ташқариси ичидан, ичкаариси ташқаридан кўриниб турадиган олий бинолар бор». Эй Росуллох, у бинолар қимлар учун? — деб сўралди. У бинолар – чиройли сўзлаган, таъом едирган ва одамлар уйқуда бўлганда кечани тоат-ибодатлар билан ўтказган – зотлар учундир» —



Ислом Нури

деб жавоб бердилар. (Табароний ва Ҳоким ривоятлари. Албоний уни «сахих» деган).

Яна бир ҳадисда бундай деганлар: «Менинг олдимга Жаброил алайҳис саллом келиб, шундай дедилар: «Эй Мухаммад хохлаганингизча яшанг, сиз барибир ўлгувчисиз, хохлаган кишингизни яхши кўринг, аник ундан ажраласиз ва хохлаган амални килинг албатта у ҳақда сўраласиз, билингки, мўмин кишининг шарафи таҳажжуд намозини ўқишлигидир, азизлиги эса инсонлардан беҳожат бўлишидир». (Ҳоким ва Байҳакий ривоятлари. Мунзирий ва Албоний ҳасан ҳадис деган).

Бошқа ҳадисда: «Ким тунда ўн оят билан намоз ўқиса, гофиллардан деб ёзилмайди, ким юз оят билан намоз ўқиса узок ибодат килувчилардан деб ёзилади ва ким минг оят билан намоз ўқиса Муконтиринлардан деб ёзилади» деганлар. (Абу довуд ривояти. Албоний сахих деган).

Муконтиринлар: Тогдек ажри бор кишилардир.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурида кечасида ётиб то тонг отгунча ухлаган киши зикр килинди, шунда У зот: «Бу шайтон кулокларига бавл килиб кўйган кишидир»!! — дедилар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Яна бир ривоятда: «Фарз намозлардан кейинги энг афзал намоз таҳажжуд намозидир» деганлар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг тунги ибодатлари

Аллох таоло ўзининг китобида Пайгамбарини тунги ибодатга буюриб шундай деган:



Ислом Нури

«Эй (кийимларига) ўралиб олган зот, кечаси (бедор бўлиб, намозда) туринг! Факат озгина - унинг (кечанинг) ярмида (ухлаб ором олинг) ёки (уйкуни кечанинг) ярмидан ҳам бир оз камайтиринг, ёки унга (бир оз) зиёда килинг (яъни, кечанинг ярмидан кўпрогида ухлаб, истирохат килинг) ва Куръонни тартил билан (яъни, дона-дона килиб) тиловат килинг!».
(Муззаммил: 1-4)

Аллох таоло айтди: «Кечанинг (бир қисмида) уйғониб ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўкинг! Шоядқи, Парвардигорингиз Сизни (киёмат кунида) мактовли (яъни, гунохкор умматларингизни шафоат килиб оклайдиган) мақомда тирилтирур.» (Исро: 79)

Оиша розияллоху анҳо айтдилар: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам кечаси икки оёқлари шишиб кетгунга қадар намоз ўқир эдилар, шунда мен: «Эй Расулуллох нега бундай қиласиз сизнинг олдинги ва кейинги гунохларингиз кечирилган-ку?!» — дедим. Ул зот: «Мен Аллохга шукр қилувчи банда бўлмайинми?!» — деб жавоб бердилар. (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ушбу ҳадис шукрнинг нафакат тил билан балки, қалб, тил ва аъзолар билан бўлишига далил бўлади. Дарҳақиқат, Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам зиммаларидаги ислом ақидасини халққа етқишиш, мусулмонларга таълим бериш, Аллох йулида жиход қилиш ҳамда оила ва болалар ҳаққини адо этиш вазифалари бўлишига қарамай Аллохга ибодат қилиш ҳаққини тўла тўқис адо этганлар.

Хузайфа розияллоху анҳо дедилар: «Мен кечаларнинг бирида Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан намоз ўқидим, ул зот



Ислом Нури

Бакара сурасини ўқий бошладилар, мен Бакара сурасини тугатиб рукуъ килсалар керак деб ўйладим, кейин Нисо сурасини ўқий бошладилар, уни ҳам тугатиб, Оли-Имрон сурасини ўқидилар. Ўқиганда ҳам шошилмай, тасбех ояти ўтса, тасбех айтиб, сўраш ояти ўтса, сўраб, азоб ояти ўтса, азобдан паноҳ сўраб ўқир эдилар.» (Муслим ривояти).

Ибн Масъуд розияллоху анху дедилар: «Кечаларнинг бирида Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан намоз ўқидим, У киши намозда узок давом этаверганларидан бир ёмон иш килишни ўйлаб колдим! Сўрадилар: «нима ёмон иш килмокчи бўлдингиз? Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни ташлаб, ўтириб олмокчи бўлдим». (Муттафақун алайхи)

Ибн хажар деди: «Мана шу хадис Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам тунги намозни жуда узок ўқишни яхши кўрганликларига далил бўлади. Ибн Масъуд кучли, Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга доим эргашувчи бўлганига карамасдан, ўз одатидагидан узокрок намоз ўқилгани учунгина шуни хохлаган!).

Салафларнинг ҳаётидаги тунги ибодат

Хасан Басрий деди: «Мен туннинг ярмидаги намоз ўқишдан кўра огиррок ибодатни кўрмадим».

Абу Усмон ан-Нахдий деди: «Мен етти марта Абу Хурайра розияллоху анхунинг меҳмони бўлдим, у, аёли ва хизматкори кечани учга таксиблаб олишган эди, бириси намозни ўқиб бўлса, иккинчисини уйготар эди».



Ислом Нури

Шаддод ибн Авс розияллоху анху ўрнига ётганда товага тушган дондек тўлгонар, «Эй Аллоҳ, жаҳаннам мени ухлагани кўймапти» — деб намозига туриб кетар эди.

Товус ибн Кайсон жойидан шошиб туриб тонгача киблага юзланиб намоз ўқир эди ва: «Жаҳаннамни эслаш обидлар уйкусини кочириб юборади» — дерди.

Ибодатгўй Замъа кечаси узок намоз ўқир, сахар вақти бўлганда овозининг борича: «Эй дам олиб ётганлар туни билан ухлайверасизларми?! туриб йўлга тушмайсизларми?! — дерди. Шунда, бир томондан йиглаган кишининг, бошқа томондан дуо қилганнинг, яна бир томондан таҳорат қилаётганнинг овози эшитилар эди. Тонг отгач: «Кечаси йўл босганлар эрталабда кечки ишларидан мамнун бўладилар» деб нидо қиларди.

Салафларнинг таҳажжуд намозидаги табакалари

Ибнул Жавзий дедилар: Салафлар тунги ибодатда етти хил йўл тутар эдилар;

1. Тунни тўлалигича таҳажжуд билан ўтказувчилар, булар ичида бомдодни хуфтоннинг таҳорати билан ўқигувчилар ҳам бўлган.

2. Кечанинг ярмини ибодатда ўтказувчилар.

3. Кечанинг учдан бирида намоз ўқувчилар. Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллоҳга энг севимли бўлган таҳажжуд, Довуд алайхис саломникидир. У Зот кечанинг ярмида ухлар, учдан бирида намоз ўқир ва кейинги олтидан бирида, ухлар эдилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).



Ислом Нури

4. Кечанинг беш ёки олтидан бирини таҳажжуд ўкиб ўтказувчилар.
5. Кечани таксимлашга эътибор бермай, тоқати етганича намоз ўкиб, ухлаб ва яна қачон уйгонса намоз ўкигувчилар.
6. Туннинг бир қисмида тўрт ёки икки ракат таҳажжуд ўкигувчилар.
7. Шом намозидан хуфтонгача, кейин сахар вақтида ҳам намоз ўкиб кечанинг икки томонини намоз билан ўтказувчилар. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда: Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Тунда бир соат бор, шу соатни мусулмон банда Аллоҳдан яхшилик сўраган ҳолда топса, албатта Аллоҳ унинг сўровини беради. Бу ҳар кечададир».

Тунги ибодатни енгиллатувчи сабаблар

Абу Хомид ал-Газзолий таҳажжуд намозини енгиллаштирадиган ички ва ташки сабабларни айтиб ўтганлар.

Ташки сабаблар тўртдир;

1. Кўп еб, кўп ичмаслик, аксинча уйку қолиб қолиб таҳажжудга туриш оғир бўлиб қолади.
2. Кундузида беқойда ишлар билан ўзини чарчатиб қуймаслик.
3. Қайлуула яъни: кундузида озрок ухлаб дам олиш, бу тундаги бедорликка ёрдам беради.
4. Кундузида гуноҳ ишларни қилмаслик, йукса, таҳажжуддан маҳрум бўлиб қолади.



Ислом Нури

Ички сабаблар ҳам тўртдир ;

1. Калбни мусулмонларга гина адоват килиш, бидъат хурофотлар ва ошикча дунёга кўнгил кўйишдан саклаш.
2. Аллохдан доимо кўркувда бўлиб, орзу-умидни озрок килиш.
3. Таҳажжуднинг фазилатини билиш.
4. Сабабларнинг энг кучлиги Аллохга муҳаббатли бўлиш, ва тунги намозида ҳар бир айтаётган ҳарфи билан Аллохга муножот қилаётганлигига катъий ишониш.

Рамазон кечаларидаги ибодатлар

Рамазон ибодатларидан бири «Таровех» намози бўлиб, мусулмонлар уни рамазонда алоҳида эътибор билан адо этадилар. Дарҳақиқат, Таровех рамазонда Аллох таолога яқинлаштирадиган энг улуг ибодатлардандир.

Ибн Ражаб дедилар:

«Билингки, Рамазонда муъмин кишининг нафси икки жиходга рўпара бўлади, кундузги рўза ва тунги таровех намози. Кайси бир инсон шу иккисини сидқидиллик билан адо этса бехисоб ажрларга эга бўлади».

Шайх ибн Усаймин деди: «Рамазон ойидаги тунги намознинг бошқа ойдагилардан имтиёзи ва хосияти бор бўлиб, мана бу ҳадис унга далилдир: Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар «Аллохнинг ваъдасига иймон ва савоб умиди билан Рамазоннинг кечаларида намоз ўқиган кишининг ўтган гуноҳлари кечирилади».



(Муттафакун алайхи).

«Рамазоннинг кечаларида намоз ўқиган» деганда кечанинг бошидаги ҳам охиридаги ҳам намозлар эътибор қилинади, мана шунга биноан Таровех намози ҳам Рамазоннинг тунги ибодати бўлгани учун, Аллохдан ажр-савоб умид қилиб, бу ибодатга харис бўлиш ва эътибор бериш лозимдир. Аклли муъмин киши жуда оз муддатда ўтиб кетадиган бу санокли кечаларни қўлдан бой бермай ҳаракат қилади албатта!

Таровех намозини масжидларда жамоат бўлиб ўқишлик суннатдир. Зеро, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам Таровех намозини жамоат билан масжидда ўқишни биринчи бўлиб йўлга қўйганлар, кейин умматга фарз бўлиб қолишдан қўриқиб бу ишни тарк этганлар. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам вафот этиб, шариат барқарор бўлганидан кейин, фарз бўлиб қолиш ҳавфи қўтарилдида, бу намозни жамоат бўлиб ўқишнинг суннатлиги собитлигича қолди.

Муслмонлар Таровех намозини тўла тўқис адо этишга аҳамият берсинлар. Бундай улуг ибодат устида Аллох учун сабр қилсинлар!

Шайх ибн Усаймин дедилар: «Хар бир киши таровехнинг савобидан маҳрум бўлиб қолмаслик учун, уни масжидда ўқишдан қолмасин. Агар Таровехни имом билан бошлаган бўлса, то имом витрни ўқиб тугантмагунича кетиб қолмасин. Чунки, имоми билан таровехнинг охиригача бирга бўлган киши, кечанинг ҳаммасида намоз ўқиганлик ажрига эга бўлади». Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Қимки (рамазонда) имоми тугатгунича у билан бирга намоз ўқиса, унга кечанинг ҳаммасида намоз ўқиганнинг савоби ёзилади». (Имом Термизий ва Аҳмад ривояти).